



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

# XXI АСР ПСИХОЛОГИЯСИ

Халқаро илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ



9 сентябрь 2021 йил

# КОНФЕРЕНЦИЯ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ВА ҲАМКОРЛАР ОРГАНИЗАТОРЫ И СООРГАНИЗАТОРЫ КОНФЕРЕНЦИИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Психология кафедраси

Федеральное государственное бюджетное учреждение  
**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ РАО**  
(г. Москва, Россия)

**МЕЖДУНАРОДНАЯ АКАДЕМИЯ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ НАУК**  
(г. Ярославль, Россия)

**ЯРОСЛАВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
им. П.Г.ДЕМИДОВА**

Факультет психологии  
(г. Ярославль, Россия)

**ИНСТИТУТ ПСИХОЛОГИИ ИМЕНИ Г. С. КОСТЮКА  
НАЦИОНАЛЬНОЙ АКАДЕМИИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК  
УКРАИНЫ**

Лаборатория общей психологии и истории психологии им.  
В.А. Роменца, Лаборатория психологии обучения имени  
И. А. Синицы; Лаборатория организационной и социальной  
психологии; (г. Киев, Украина)

**ИНСТИТУТ ПЕДАГОГИКИ НАЦИОНАЛЬНОЙ АКАДЕМИИ  
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК УКРАИНЫ**

Отдел профильного обучения (г. Киев, Украина)

**ХЕРСОНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

Кафедра педагогики, психологии и образовательного  
менеджмента имени Е. Петухова; Кафедра психологии  
(г. Херсон, Украина)

**UNIVERSITY OF SUSSEX, GREAT BRITAIN  
SCHOOL OF PSYCHOLOGY**

**КИРГИЗСКО-РОССИЙСКИЙ СЛАВЯНСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ  
им. Б. ЕЛЬЦИНА,  
БИШКЕК, КЫРГЫЗСКАЯ РЕСПУБЛИКА**

Кафедра психологии

**ОБЩЕСТВО ПОДДЕРЖКИ ИЗДАТЕЛЬСКИХ ИНИЦИАТИВ И  
НАУЧНОЙ МОБИЛЬНОСТИ**  
(г. Глазго, Шотландия)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“XXI АСР ПСИХОЛОГИЯСИ”  
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
АНЖУМАНИ  
МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ**

**СБОРНИК СТАТЕЙ  
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ  
КОНФЕРЕНЦИИ  
"ПСИХОЛОГИЯ XXI ВЕКА"**

**DIGEST OF ARTICLES  
INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
CONFERENCE  
"PSYCHOLOGY OF THE XXI CENTURY"**

**9 сентябрь 2021 й.  
(онлайн конференция)**

**БУХОРО - 2021 йил**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 март-даги 78-фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро давлат университетида 2021 йилнинг 9-10 сентябрь кунлари “XXI аср психологияси” мавзусида илмий-амалий анжуман психология кафедра томонидан масофавий шаклда ташкил этилди.

**Тақризчилар:**

Шоумаров Г.Б. – психология фанлари доктори, профессор

Умаров Б.М. – психология фанлари доктори, профессор

Максименко С.В. – академик, психология фанлари доктори, профессор

**Масъул мухаррирлар:**

Баратов Ш. Р. - психология фанлари доктори, профессор

Усманова М. Н. - психология фанлари номзоди, доцент

**Таҳрир ҳайъати:**

Баратов Ш.Р. - психология фанлари доктори, профессор

Козлов В.В. – психология фанлари доктори, профессор, Россия

Чудакова В.П. – психол. фанл. бўйича фалсафа доктори (PhD), Украина

Усманова М.Н. - психология фанлари номзоди, доцент

Собирова Д.А. - психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Олимов Л.Я. - Психология кафедраси доценти

Останов Ш.Ш. - психология кафедраси катта ўқиувчиси.

**Техник мухаррирлар:** М.Н. Усманова, Останов Ш.Ш.

**Дизайн ва макет – Останов Ш.Ш..**

**XXI аср психологияси:** Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –  
Бухоро, 2021. – б.

Website: <http://psixologiyabuxdu.uz/>  
<https://buxdu.uz/>



Демак, интерфаол машғулотларда интерфаол методлардан фойдаланиш ўқитиши жараёнинга самарали таъсир кўрсатиб, ўқув жараёнини жонли ташкил этишини таъминлайди. Шу билан бир қаторда аввалги билимлар ва янги ахборотлар ўртасида боғланиш ҳосил қилиб, материални тўла тушунишга замин яратади ёки бошқача айтганда инновацион таълимни рўёбга чиқаради.

Тадқиқотимизнинг ушбу қисмида хulosса ўрнида таъкидлаш мумкинки, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланиш негизида улар биринчидан инновацион фаолият бўйича интеллектуал салоҳиятга эга бўлади, иккинчидан, уларда инновацион жараённи қўллаб-қувватловчи фаол билиш фаолияти шаклланади, учинчидан, уларнинг ўз қасбий фаолиятига қизикиши янада ошади, тўртинчидан, уларда қасбий тайёргарлик даражасидан қониқиши ҳосил бўлади ва шу кабилар.

Юқоридагиларга асосланиб бўлажак ўқитувчиларда инновацион таълим технологияларидан фойдаланишга қуйидаги тавсиялар берилса мақсадга мувофиқ бўлади:

- бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда фойдаланишга оид инновацион метод ва технологиялар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш, уларнинг мазмун-моҳиятини ва вазифаларини тўлиқ тушуниб этиш ҳамда улардан таълим жараёнинда самарали фойдаланиб боришга доимо эътибор бериш;

- инновацион таълим ва технологияларни ҳар бир фан ва ундаги ҳар бир мавзуни ўрганиш хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда қўллаш;

- инновацион таълим ва технологиялардан таълим жараёнинда фойдаланишда таълимнинг дидактик имкониятлари ва тамоилларининг узвийлигига эришиш;

- бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш бўйича инновацион таълим ва технологияларни жорий этишда таълим олувчиларнинг ўзига ҳос хусусиятларини ҳисобга олиш керак ва шу кабилар.

Демак, замонавий бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашни оптималлаштиришда инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланиш ушбу йўналишдаги тадқиқотга оид илмий-назарий ва методологик асосларни янада мукаммаллаштиришга имконият яратар экан ва бу эса замонавий педагогикада истиқболли долзарб муаммолардан биридир

### **Адабиётлар.**

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. - Т.: Ўзбекистон ёзувчилар ўюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти. 2006. - 160 б.
2. Олимов Ш.Ш., Ҳасанова З.Д. Педагогик технологияларни ўқув – тарбия жараёнинг қўллаш. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014. - 184 бет.
3. Тўрақулов Х.А., Жабборов Н.С. Бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг назарий-методологик асослари. –Т.: «Fan va texnologiya», 2019, - 152 бет.

## **ЎСМИРЛАРДА ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ НАМОЁН Бўлишининг ўзига ҳослиги**

*Олимов Лазиз Ярашович,  
Махмудова Зулфия Мехмоновна,  
Бухоро давлат университети*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўсмирларда ҳимоя механизмлари соҳасида олиб борилган изланишилар асосида тўпланган маълумотларга таянган ҳолда илмий муроҳада юритилган бўлиб, асосан хориж психология олимларининг бу борадаги психологик қараашлари ўртасидаги алоқадорлик таҳлил қилинади, муаммони ўрганишга оид тадқиқот методи асосида олинган

натижалар асосида хулоса берилади.

**Таянч сўзлар:** ҳимоя механизми, “икки омил” назарияси, “енга олии ҳулқ-атвори”, копинг стратегия, сенсор психологик ҳимоя, перцептив психологик ҳимоя, шахснинг психологик ҳимояси

**Аннотация:** На основе исследований, проведенных в области исследования защиты у подростков, на основе собранных данных, в настоящей работе на основе научных наблюдений, главным образом на основе взаимосвязи психологических взглядов зарубежных ученых-психологов в этом отношении анализируется дорлик, на основе полученных результатов по методике исследования по изучению проблемы дается заключение.

**Ключевые слова:** механизм защиты, теория "двух факторов", "поведение вовлечения", копинг-стратегия, сенсорная психологическая защита, перцептивная психологическая защита, психологическая защита личности

**Annotation:** based on the research conducted in the field of protection studies in adolescents, based on the collected data, this paper is based on scientific observation, mainly on the relationship between the psychological views of foreign psychologist scientists in this regardadorlik is analyzed, based on the results obtained on the research method on the study of the problem is given a conclusion.

**Base words:** mechanism of protection, theory of "two factors", "behavior of getting engaged", coping strategy, sensory psychological protection, perceptive psychological protection, psychological protection of an individual

Психологик ҳимоя қилиш (муҳофаза) муаммоси ҳамиша инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Зеро, инсоннинг ҳар жиҳатдан ижтимоий тараққиёти, шахс сифатидаги фаоллиги ва ўзини ўзи ривожлантира бориши кўп жиҳатдан ушбу жараёнга боғлиқдир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, инсонлар ўзларининг маълум доирадаги психологик имкониятлари, ютуқлари ва камчиликлари ҳақида етарли билимга эга бўлсалар, бу уларнинг ҳаётда учрайдиган ҳар қандай муваффақиятсизликларини осонлик билан бартараф этишга, ўз имкониятларидан янада кенгроқ фойдалана олишга, бир сўз билан айтганда, ўзлари ҳақида янада ёрқин, фаол ижобий ва ўзига хос ижтимоий қийматга эга бўлган тасаввурларнинг шаклланишига кенг имкониятлар яратади.

Зеро, бу жараёнда энг аввало таълим-тарбия тизими, унинг мазмун-моҳияти, таълим тизимини такомилаштиришга хизмат қилувчи экстремал вазиятларда шахснинг психологик ҳимояси тамоиллари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ўзига хос изчиллик билан амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг туб марказида шахс ва унинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар ётадики, бу жараёнда психологик ёндашувлар муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар бир шахс тезкор вазият муҳит билан боғлиқ ўзига хос психологик имкониятларига етарлича баҳо бермай туриб, шахснинг тараққиётига ҳозирги замон талабларига мос натижা кўрсатиш жуда мушкулдир.

Экстремал вазиятларда психологик ҳимоя методологиясини талқин этишда инсоннинг ҳиссий-эмоционал ҳолатини англаш ва унинг ўз меҳнати маъсулларидан ижтимоий маъсулият жараёнини таҳлил қилиш ва ривожлантиришга бағишлиланган айрим тадқиқотларнинг ўрни ва истиқболига ҳам алоҳида эътиборни қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Масалан, Ф.Херстберг ва унинг издошлари томонидан меҳнат фаолиятини ташкил этишдаги эмоциоген фарқланиш механизmlари тадқиқ қилинди. Мазкур изланиш маъсулига кўра, меҳнат фаолиятини ташкил этишда ижодийлик, мустақиллик, ўзини ўзи билиш, ривожлантиришга қаратилган тадбирларга эътибор берилса, шахс фаолияти унумдорлигига ижобий таъсир этувчи ҳиссий кечинмаларни ва аксинча, фақат техник жараёндангина иборат бўлган меҳнат шароити яратилса, шахс фаоллигига салбий таъсир этувчи ҳиссий кечинмаларнинг намоён этилиши кузатилади. Дарҳакикат, фаолиятнинг бажарилишига нисбатан ижобий-ҳиссий кечинмалар шакллантирилмас экан, фаолият маҳсулни ҳам инсоннинг ўз фаолиятидан ижтимоий маънодаги қониқиши ҳам ниҳоятда паст савияда бўлади. Экстремал вазиятларда психологик ҳимоя жараёни эса худди ана шу ерда ўз таъсирини, яъни фаолиятдан ижтимоий қониқиши жараёнини маълум даражада юқори савияга кўтара олиш санъатини кўрсатиши лозим.

Таниқли психолог Иван Огнев томонидан қўйидаги тизим асосида шахснинг психологик ҳимоя механизmlари тавсия килинади.

## “XXI АСР ПСИХОЛОГИЯСИ” халқаро илмий-амалий анжуман

Химоя механизмлари	Мазмуни
Тажовузкорлик	Индивиднинг унга паст баҳо берган, ўзи ҳақидаги тасаввурига иккиланишга сабабчи шахсга бўлган реакция
Ўйлаш	Ноҳуш ҳиссиёт, хис-туйғуларнинг бир объектдан талабга мувофиқ бўлмаган бошқа объектга кўчирилиши
Тасаввур	Ўзининг ҳиссиёти, истак-хоҳишлари ва хусусиятларини ўзи билмаган ҳолда бошқа кишида кўриши
Идеаллаштириш	Ўзини “идеаллаштириш” ўз хатоларини, камчиликларини тан олмаслик
Унутиш	Шахснинг ёқтиргмаган, ноҳушикларини унутиши: одамларнинг тимсоли, исми, мулоқот вақтида ноҳуш ёқимсиз хотираларнинг эсга туширилиши каби ҳолатлар ва ҳоказо
Инкор этиш	Индивиднинг воқеа ва ҳодисаларни инкор этиши ва у ҳақдаги билимларини “мен бу ҳақда ҳеч нимани билмасдим”, “бу менини эмас”, “менга шундай айтдилар”, “мен бундай айтмаган эдим” кабилар билан чегараланиши.
Дискредитация	Хабар манбаларининг паст баҳолаш “мен-тимсол”, “ҳамма гапирса ҳам, сен гапирма”, “ким ҳакам?” каби гаплар билан шахсни камситиши ва унга паст баҳо бериш
Идентификация	Ўзини бошқа одам билан ва намунали хулқ-атворга эга гуруҳ билан солишиши ўз хулқ-атвори ва муносабатини атрофдагилар билан таққослаб, ҳаёт тарзини енгиллаштириш
Конверция (ўзгармок)	“Мен”лиги юкорилигини сақлаб қолиб ўзига ноҳуш ҳолатларни, вазиятларни ҳазилга ёяди ва муомалада бўлади ҳамда берилган танбеҳларни ҳазил деб қилин қиласди.

Ушбу психологияк ҳимоя механизмларининг берилиши орқали муаллиф шахс хулқ-атвори формаларида ташқи муҳитдан ва тажовузкорлиқдан ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳолатларини илмий жиҳатдан тадқиқ қиласди.

Шахснинг психологик ҳимоя механизмлари айрим низоларнинг субъектив сабабларига бевосита таъсир этиши мумкин. Шахснинг шахсий ёки гурухий эҳтиёжларини амалга оширишга йўл қўймаслик ва шахсий ёки гурухий қизиқишиларини поймол қилиш каби сабаблар низоли вазиятларни вужудга келтиради. Кўпинча жамоада инкор қилинган хулқ-атвор формалари, ижтимоий шаклланиб бориши билан индивид реакцияси аниқланади. Бундан ташқари, индивиднинг низоларга иштироки, унинг олдига қўйган мақсадини амалга ошириш учун юзага келган тўсиқ қай даражада халақит бериши билан аниқланади. Субъект олдига қўйган мақсади қанчалик муҳим бўлса ва унга эришишни жуда хоҳласа, у шунчалик даражада қатъийлик билан ўзаро низоли вазиятларга ва унга халакит берувчи шахсга қаршилик кўрсатади.

Бинобарин, чет эл илгор психологиясида кийин вазиятларда психологик ҳимоя методологияси учун муҳим ўрин тутувчи қўйидаги йўналишларга асос солинди:

1. Ч.Спирмен томонидан “икки омил” назарияси яратилди. Бу назарияга мувофиқ инсоннинг ҳар бир фаолиятида барча фаолиятлар учун умумий бўлган (1-омил) ва айнан мазкур фаолиятга мос бўлган (2-омил) барча хусусиятлар ўзаро боғлиқликда тадқиқ қилинади. Тадқиқотчи ушбу омилларнинг инсон ва фаолият уйғунлигини таъминлаш учун зарур бўлган психологик моҳияти ва мазмунини очиб беради.

2. Л.Терстоун, Дж.Гилфорд томонидан яратилган “Мултифактор” назариясига биноан бирламчи ақлий қобилияtlар (идрок тезлиги, хотира ассоциациялари ва ҳоказо) нинг ҳар бир индивидда таркиб топганлик кўлами тадқиқ қилинди ва шу асосда ҳар бир шахс фаолиятига алоҳида ёндашувни тақозо этувчи экстремал вазиятларда психологик ҳимоя муҳофазанинг методологик принциплари ишлаб чиқилди. Умуман, психологияда индивидуал фарқланишининг 56 хил йўналишдаги типи маълум ва машҳур. Масалан, объектив ва субъектив тип (даставвал, А.Бине тажрибаларида қайд этилган) фикрловчи фаол тип (А.М.Джорданту бўйича), рационалистлар ва эмпириклар (У.Джемс тадқиқотлари бўйича) “чукур-тор” ва “майдо-кенг” тип (Г.Гросс маълумотлари бўйича), назарий, иқтисодий, эстетик, ижтимоий, сиёсий, диний типлар (Э.Шпрандер тадқиқотлари бўйича); шизотимик ва циклотимик типлар (Э.Кречмер тадқиқотлари бўйича); висцеротоник, соматотоник, церебротоник типлар (У.Шелдон бўйича); экстроверт ва интроверт типлар (К.Г.Юнг ва Г.Ю.Айзенк маълумотлари бўйича) ҳақидаги эмпирик маълумотларнинг қайд

этилиши шулар жумласидандир.

Умуман психологик ҳимоя (муҳофаза) механизмлари тушунчасининг классик номланиши Зигмунд Фрейд томонидан киритилган бўлсада, Анна Фрейд ўзининг “Мен ва ҳимоялаш механизмлари” номли илмий тадқиқотида З.Фрейд гояларини ривожлантириди. Бу ютуқ, айниқса, психологик антропология ва этнопсихология соҳасида янги кирраларни очди. Аникроғи, Анна Фрейд ҳимоя механизмлари инстинкт талабларини инкор этишни эътироф этди. “Психоаналитиклар К.Холл ва Г.Линдцейлар ҳам ҳимоя механизмларининг классик номланиши асосида тегишли илмий тадқиқотларни олиб борадилар.”

Экстремал ҳолат дейилганда бу экстремал факторлар ва экстремал механизмлар таъсири остида инсон онгнинг ўзгариши ва уларнинг босим остидаги таъсири тушунилади. У физиологик таъсирланиш мослашишининг (бундай вазият жисмоний ёки кимёвий характернинг экстремал омилларининг таъсирида биринчи навбатда пайдо бўлади) ёки психологик ва аҳлоқий таъсирланишни бузилиши билан тавсифланади (бу ахборотли-семантик характернинг экстремал омилларининг таъсирида кўпроқ характерларидир). Кўпроқ физиологик тизимнинг дастлабки аҳлоққа оид таъсирланиш динамикасига сабаб бўлиб хизмат қилган, ёки аксинча, психологик тавсифларнинг ўзгариши физиологик силжишнинг пайдо бўлишига олиб келганда таъсирланишнинг аралаштирилган типи бўлиб ҳисобланади.

Экстремал вазиятларда “психологик ҳимоя механизмлари” ва “енга олиш хулқ-атвори” муаммолари тўғрисидаги баҳслар анча олдин юзага келган бўлсада, ҳозирги кунга қадар давом этмоқда. Бу шуни англатадики, ҳимоя механизмлари ва енга олиш чегараларини белгилашда амалий ва назарий мураккабликлар юзага келади. Кўпинча мазкур жараёнлар мақсадли тарзда намоён бўлади. Шунингдек, психологик ҳимоя ва енга олиш фел-атвори экстремал вазиятларда юзага келиб “ички низони ечиш” функциясини амалга оширади ҳамда, онглилик ва онгсизлик ўртасидаги зиддиятда воситачи сифатида иштирок этади. Экстремал вазиятларда психологик ҳимоя ўзида: инкор этиш, ўрин алмашиш, рационаллик, тушкунлик, идентификация, катарсис ва бошқа кўплаб формаларни акс эттиради. Ҳимоя механизмлари хавотирни тутатиш ва кўркувдан ҳалос бўлишдаги кучли мезонлари орқали ўз ишини самарали олиб боради.

Психик ҳимояни функционал вазифаси ва ёш босқичларидаги мураккабликларига қўра учга ажратиш мумкин. Улар қўйидагилардан иборат:

1. Сенсор психологик ҳимоя – хулқ-атвортаги психосенсор бошқарувни амалга ошириш орқали организмда ҳимоя вужудга келади.
2. Перцептив психологик ҳимоя – перцептив психологик бошқарув йўлидан фойдаланиши натижасида индивидда ҳимоя пайдо бўлади.
3. Шахснинг психологик ҳимояси – шахснинг хулқ-атворт, фаолият ва англанган хатти-харакатлар натижасида шахсда ҳимоя вужудга келади.

Шахсдаги перцептив ва сенсор ҳимоялари инсондаги биологик эҳтиёжлари алоқаси орқали туташади. Маълумки, юқорида келтирилган ҳимоя турлари барча тирик организмлар учун характерли ҳисобланиб шахсдаги ҳимоя механизмлари инсоннинг ўзига ҳос ҳимоя структурасининг юқори кўринишидир. Унинг мақсади инсондаги шахс онтогенезда психологик ривожланиши давридаги зиддиятлар, шахслараро муносабатлардаги ўзаро алоқани сақлашга, ҳимоялашга йўналтирилган. Ушбу зиддиятларда инсон организм ёки индивид сифатида эмас балки шахс сифатида иштирок этади.

Шахсдаги перцептив ва сенсор ҳимоялари инсондаги биологик этиёжлар алоқаси орқали туташади (индивидуликни сақлаган ҳолда ўзини мавжудлигини давом эттириш). Юқорида келтирилган ҳимоя турлари барча тирик организмлар учун характерли ҳисобланиб, шахсдаги ҳимоя механизмлари инсоннинг ўзига ҳос ҳимоя структурасининг юқори кўринишидир. Унинг мақсади инсондаги шахс онтогенезда психологик ривожланиши давридаги зиддиятлар, шахслараро муносабатлардаги ўзаро алоқани сақлашга, ҳимоялашга йўналтирилган. Ушбу зиддиятларда инсон организм ёки индивид сифатида эмас, балки шахс сифатида иштирок этади.

“Копинг” сўзини кенгрок талқин қилганда, ўзига субъектнинг барча ўзаро таъсирини акс эттириб, у ички ёки ташқи вазифалари билан характерларидир. Муаммоли вазият талабидан ишғол этиш ёки юмшатишга уриниш ўрнини четга олиш ёки мослашиш орқали амалга оширилади. Кўшимча шароитда эса ташқи ва ички вазифалар ўзида копинг тузилмасини ўзлаштириб шу орқали субъектга психологик характеристика берилади ва ундан фарқли ўлароқ унга мослашади.

Психологик ҳимоя ҳамда копинг хулқ-атворт ҳусусиятларини қиёсий ўрганиш баъзи бир муаллифлар томонидан тўғридан-тўғри ёндашилиб, копинг хулқ-атворт англанмаган ҳимоянинг англанган варианти сифатида баҳоланади. Бошқа муаллифларнинг фикрига қўра, ҳимоя

## “XXI АСР ПСИХОЛОГИЯСИ” халқаро илмий-амалий анжуман

механизмлари ва копинг хулқ-атвор ўртасидаги алоқа анчайин мураккаб. Копинг хулқ-атвор анчайин кенг маънодаги тугма ҳусусият бўлиб, у ўзида англанган ва англанмаган ҳимоя техникаларини акс эттиради.

Р.Лазарус копинг хулқ-атворга пассив психологик ҳимоя сифатида қараб, ҳимоя механизмлари ҳамда копинг механизмлари ўртасидаги параметрларни дифференциациялаб, белгилаб чиқкан:

1) Вақтингачалик йўналганлик. Ҳимоя қоидасига биноан вазиятни “ҳозир” ҳал қиласди, актуал вазият кейинги вазиятга ҳеч қандай алоқаси бўлмайди, яъни, актуал психологик ҳимоя актуал психологик комфорктга ҳизмат кўрсатади;

2) Инструментал йўналганлик. Бунда ҳимоя фақатгина ўзи ҳақида “ўйлайди”, агар унинг қизиқишилари теварак-атрофга йўналганда ҳам у биринчи навбатда ўзининг қизиқишиларини муҳокама қиласди;

3) Мақсад-функцияли аҳамияти. Бунда механизм атроф-мухит ва инсонлар билан муносабатлардаги бузилишлар функциясини назорат қила оладими (копинг хулқ-атвор) ёки, фақат эмоционал ҳолатни назорат қилиш функциясини амалга оширадими (ҳимоя механизмлари);

4) Бошқарувнинг модаллиги. Маълумотларни кидиришдаги ҳаракатнинг ўрни тўғридан-тўғри амалга ошадими, рефлексия (копинг хулқ-атворга алоқадор) ёки босим остида вужудга келадими ва ҳ.к.

Психологик ҳимоя ва англанган копинг стратегияларини чегаралаш учун В.А.Ташликов анализ тизимини қўйидагича талқин қиласди::

1. Инерсиаллик. Психологик ҳимоя механизми ригид (статик) вазият талабига мослашмаган. Ўз-ўзини назорат қилишнинг англанган техникаси эса пластик ва вазиятга мослашган бўлади.

2. Бевосита ва кечикирилган эфектлар. Психологик ҳимоя механизмлари юзага келган ҳиссий зўриқиши имкон қадар жадалроқ камайтиришга ҳаракат қиласди. Инсон ўзи англаган назоратдан фойдаланиш орқали эса балки кўпроқ қайфуришга ва ҳаттоқи баъзида сиқилишга олиб келиши ҳам мумкин.

3. Тактик ва стратегик эфектлар. Психологик ҳимоя механизмлари “калтабинлик”, (“шу ерда ва ҳозир” принципига кўра) фақатгина сўзлашув жараёндагина зўриқиши бартараф этиш мумкин, бунда копинг стратегиялари эҳтимолий ҳисобида қаралади.

4. Объектив вазиятни идрок қилишдаги турли ўлчовлар. Психологик ҳимоя механизмлари ҳақиқий ҳолатни нотўғри идрок қилишга олиб келади. Ўз-ўзини назорат қилиш реал идрок ҳамда ўзига объектив муносабатда бўлиш қобилияти билан алоқадор.

Копинг стратегия ва усуллари ҳимоя механизмларидан фарқланганда конструктив фаол зарурат назарда тутилади ва вазият орқали ёқимсизликлардан четлашишга ҳаракатdir. Психологияда копингнинг предмети мавжуд бўлиб, у маҳсус тадқиқот худудида инсондаги эмоционал механизм ва рационал регуляцияни ўрганишда ўзининг мақсадли оптималь хулқ-атворига кўра ҳаётий ҳолатларни ўзининг мақсадларига мувофиқ қайта қуришни амалга оширади.

Шахснинг ўзини ўзи ҳиссий баҳолаш жараёни ўзини ўзи турли хил кўнгилсизликлардан, муваффакиятсизликлардан ва экстремал вазиятлардан маълум даражада ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамият касб этади. Айниқса ўсмирлик даврида бу жараёнга жиддий қарааш керак бўлади. Шуни ҳисобга олиб ўсмирларда ўзини-ўзи ҳиссий баҳолаш ва психологик ҳимоя имкониятлари ўртасидаги мутаносиблик билан боғлиқ ижтимоий психологик омилларни эмпирик жиҳатдан ўрганиш ва шартли равишда қабул қилинган мезонлар асосида унинг натижаларини таҳлил қилиш кўзда тутилган эди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, баъзан ҳар бир ўсмир, ўз ҳиссий табиати ва унинг фаолият самарадорлигига ҳизмат қилувчи психологик ҳимоя имкониятларига адекват баҳо бера олишга маълум маънода “ожизлик” қилиши мумкин. Бизнингча, бундай “ожизлик” замирида ҳиссий қониқмаслик, ҳиссий безовталиқ, ўз-ўзига нисбатан ноадекват ҳиссий тасаввурлар шаклланади.

Демак, таълим муассасаларининг раҳбарлари, мактаб ўқитувчилари, психологлари, синф раҳбарлари ва ота-оналар бу ҳолатни инобатга олган ҳолда таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйишлари талаб қилинади. Акс ҳолда экстремал вазиятларда шахснинг психологик ҳимоя имкониятлари пасайиб кетиши мумкинлигини қайд этиш лозим.

### Адабиётлар:

1. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Психологик ҳимоя механизмларининг ижтимоий психологик

- хусусиятлари. Психология илмий журналы. 2020 йил, 4 сон 76-83 б.
2. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Психодиагностика ва экспериментал психология. “Турон замин зиё” нашриёти. Т. 2020. -Б. 820.
3. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Психологические механизмы девиантного поведения. Психология XXI века. Ярославль., 2020. –С. 125-127.
4. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Менталитет психологияси. “Бухоро вилоят босмахонаси МЧЖ” нашриёти. Бухоро. 2020. -Б. 160.
5. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Ўсмир шахсида психологик ҳимоя механизmlарини шакллантиришнинг ижтимоий психологик хусусиятлари. “Тафаккур ва талқин” номли илмий-амалий онлайн конференция материаллари. Бухоро-2020. 446-450 бетлар
6. Додонов Б.И. Эмоции как ценность. Москва. Наука, 1978. – 360 с.
7. Дубровина И.В. Общие вопросы организации и деятельности школьной психологической службы // Рабочая книга школьного психолога. - М.: Просвещение, 1991. Ч. 1. – С. 6-64.
8. Лупьян Я.А. Барьеры общения, конфликты, стресс. – Минск: Вишнейшая школа, 1986. – 206с.
9. Магомед-Эминов М.Ш. Трансформация личности. - М.: Психоаналитическая Ассоциация, 1998. - 496 с.
10. Фрейд З. Психология бессознательного: Сборник. Произведение /Сост.и науч.ред. М. Т. Ярошевского.-М.: Просвещение, 1990.-448 с.
11. www.zhvun.com Freud S. The Problem of Anxiety. New York: Norton, 1936, p. 43.
12. www.zhvun.com Freud A. The Ego and the Mechanisms of Defence. London: Hogarth Press, 1946, - p. 9-63.
13. www.zhvun.com Hall C. S. and Lindzey G. Theory of Personality. New York: John Wiley, 1957. - p. 11-20.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНИК АРТ-ТЕРАПИИ

*Останов Ш.Ш.,  
старший преподаватель кафедры «Психологии» БухГУ*

**Аннотация.** Мақолада имконияти чекланган болалар билан психокоррекцион ва реабилитация ишлари бўйича мутахассислар томонидан қўлланиладиган бадиий терапия ва бадиий педагогик техника ҳақида умумий маълумот берилган.

**Калим сўзлар:** бадиий терапия, бадиий педагогика, мактабгача таълим, инклузия, таълим психологи, психологик коррекция ва реабилитация

**Annotation.** The article provides an overview of art therapy and art pedagogical techniques used by specialists in psychocorrectional and rehabilitation work with children with disabilities.

**Key words:** art therapy, art pedagogy, preschool education, inclusion, educational psychologist, psychological correction and rehabilitation

**Аннотация.** В статье представлен обзор арт-терапевтических и арт-педагогических техник, используемых специалистами в психокоррекционной и реабилитационной работе с детьми с ограниченными возможностями здоровья.

**Ключевые слова:** арт-терапия, арт-педагогика, дошкольное образование, инклузия, педагог-психолог, психологическая коррекция и реабилитация

Техники арт-терапии и арт-педагогики являются одним из эффективнейших элементов психологической коррекции и реабилитации. На сегодняшний день зарубежными и отечественными специалистами накоплен богатый опыт применения арт-терапии в работе с детьми, в том числе с ограниченными возможностями здоровья.

Выбор того или иного варианта обучения и воспитания ребенка остается за его родителями или лицами, их за меняющими.

Арт-терапевтические техники могут иметь большое значение как одна из форм психологического сопровождения и психологической реабилитации детей с особенностями развития. Важнейшим фактором положительного воздействия арт-терапии на детей данной группы являются терапевтические отношения, благодаря которым ребенок может найти способ выразить себя, ощутить чувство безопасности, развить коммуникативные способности и получить ценнейший опыт принятия и поддержки. Такое взаимодействие оказывает стимулирующее

2) выявить, какие изменения происходят в отношениях между спортсменами и в результативности их совместной деятельности через собственные наблюдения и беседы со всеми участниками деятельности;

3) проанализировать реальные изменения во взаимоотношениях в группе, в деятельности спортсменов, в поведении лидера, пытаясь совместно с ним выяснить его понимание сути проведенных изменений и реальных результатов от них, его отношение к своей роли, недостатки его действий;

4) внести необходимые корректировки в план дальнейшей работы, в действия и поведение лидера.

Для оптимизации общения в спортивных группах надо выполнять ряд требований:

1) проводить предварительное планирование воздействий и желаемых (возможных) внутригрупповых связей;

2) организовывать межличностное общение и взаимовлияние между членами группы;

3) регулировать и корректировать воздействия на основе текущего контроля за их эффективностью;

4) обязательно проверять, соответствуют ли результаты воздействий ожиданиям. [2]

#### **Литература.**

1. Выдрин В.М. Методические проблемы теории физической культуры //Теория и практика физической культуры, 2000. - С. 10-12. - № 6
2. Гогунов Е.Н. Психология физического воспитания и спорта: Учеб. пособие для студ. высш.пед. учеб. заведений / Е.Н. Гогунов, Б.И. Мартынов. – 2-е изд., дораб. - М.: Издательский центр «Академия», 2004. – С. 154-166.
3. Кабаченко Т.С. Психология в управлении человеческими ресурсами. – Спб.: Питер, 2003 – 399 с
4. Кочетков Л.П. Управление футбольной командой. – М.: «Астрель», 2002. – 243 с.
5. Николаев Ю.М. Теория физической культуры: функциональный, ценностный, деятельностный, результативный аспекты. СПб., 2000. -156 с.

*Мундарижса/Содержание/Contents*

- 3 **ХАМИДОВ О.Х.** Уважаемые гости и участники
- 5 **БАРАТОВ Ш.Р.** Из опыта внедрения концепции психологической службы в узбекистане
- 8 **КОЗЛОВ В.В.** К проблеме трансперсональной парадигмы психологии
- 16 **АБДУҚАҲХОРОВА Г.А.** Роль социально-психологических служб в устраниении девиантного поведения подростков
- 19 **АВЕЗОВ О.Р.** Экстремал вазиятларда оиласа психологик хизмат кўрсатиш амалиёти
- 24 **АКРАМОВ А.Ш.** Психологические механизмы и детерминанты поддержания здоровья человека
- 27 **АРСЛАНОВ К.П.** Психологическая сущность воспитания спортсменов
- 31 **АХМАДОВ Н.Р., ҚАҲҲОРОВ М.А.** Ўсминаларда суицидал хавф шаклланишини олдини олишнинг ижтимоий-психологик асослари
- 34 **АХМЕДОВА О.С.** Особенности лексики дошкольников с нарушениями речи
- 38 **Ашурев Р.Р.** Влияние акцентуаций характера подростков на межличностные отношения
- 40 **АЪЗАМОВА М.А.** Психологические трудности младшего школьного возраста
- 42 **БАРАТОВА Д.Ш.** Социально-психологические механизмы организации психологической службы в махалле для различных групп населения
- 47 **БАРАБАНОВ Р.Е., АБИДОВА Г.К.** Логопедическая работа при моторной алалии
- 49 **BAQOYEVA M.Sh.** Chet tilini o'rganishda va o'rgatishda psixolingvistik nazariyalar va metodlarning o'rni
- 52 **БАХРИЕВА Н.А.** “Мен-образ” тушунчасининг илмий категория сифатидаги моҳияти ҳамда мактабгача ёшдаги болалар ривожланишидаги ўрни
- 56 **GADOYEVA M.M.** Masofaviy ta'limda ta'lim-tarbiyaga integrative va differensial yondashuvning ahamiyati
- 58 **ҒАЙБУЛЛАЕВ А.А.** Ўсминаларда мағкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омиллари
- 61 **GAFOROV SH.U.** Shaxs psixologik salomatligi muammosini nazariy va ijtimoiy psixologik tahlili
- 64 **ГАФУРОВ Н.Г.** Роль тренера в построении взаимоотношений тренер-спортсмен
- 67 **ДИЛОВА Н.Г.** Современные технологии в образовании как фактор повышения учебного процесса
- 70 **ДЖАББОРОВ Х.Х.** Социально-психологические механизмы национального воспитания
- 74 **ЖАББОРОВ А.М., ҚОДИРОВ О.С.** Ўсминаларда (11-15 ёш) жиноят мотивлари шаклланишини психодиагностикаси ва психокоррексияси
- 78 **ЖУМАЕВ Н.З.** Методологические основы дошкольной психологии
- 80 **ЖУМАЕВ У.С.** Культурные различия, стереотипы и коммуникационные потребности в межкультурной коммуникации в глобальной мультикультурной среде
- 83 **ЖҮРАЕВ Б.** Ўспиринлик даврида хукукий билимларни ривожланишида хукукий ахборотнинг аҳамияти.
- 86 **ЖҮРАЕВ Н.** Ёшларда тадбиркорлик фаолиятини оиласа шакллантириш ўзига хос психологик хусусиятлари
- 89 **ЗАРИПОВ Г.Т.** Психолого-педагогический потенциал взаимодействия личности с миром природы
- 93 **ИСАКОВА М.Т.** Гендерные различия ведущих психологических факторов между отношением к здоровью и индивидуально-динамическими характеристиками
- 97 **ИСМАТОВА Д.Т.** Типы семей по способу распределения ролей
- 100 **КОРУТКО М., МУКHALITSKA N., VERESKLIA M.**, Features of application of consulting services in the process of professional development of employees
- 102 **КАПУСТЮК Е. Н., ПАСТУШЕНКО В.С.** Работа с сообществами (с громадами): понимание необходимости профилирования школы для улучшения их жизни

- 104 **КАХАРОВА Д.С., ХУДОЙБЕРДИЕВ Ш.Б.** Алоҳида эътиборга мухтожлиги бўлган болаларга таълим-тарбия беришда ўзига хос жиҳатлари
- 107 **КАХАРОВА Д.С.** Инклузив таълимга жалб этилган бошлангич синф ўқувчиларни мослашишида педагогик-психологик хусусиятлари
- 109 **КИЛИЧЕВ А.А., МИРЗАЕВА Ш.С.** Теоретические основы формирование образа семьи у современной молодежи
- 112 **КОДИРОВА Д.** Ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлашнинг психологик омиллари
- 116 **ҚОСИМОВА С.Б.** Экстремал вазиятларда шахснинг стрессли ҳолати ва хулқ- автор реакциялари
- 119 **ҚОСИМОВ У.А.** Мактабгача ёш даври болаларда фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг самарали йўллари
- 121 **КУЛИЕВ Ё.К.** Социально-психологические особенности юношеского возраста
- 125 **ЛАРИОНОВА Л.И., АЗАРОВА Л.Н.** К проблеме использования арт-технологий в формировании личности студентов
- 128 **МАКСИМЕНКО С.Д.** Актуальные вопросы использования генетико-креативного метода психологического изучения личности
- 133 **МАҚСАДОВА М.С., ОЧИЛОВА З.З.** Бошлангич синф ўқитувчининг ўзига хос психологик хусусиятлари
- 136 **МУХАМЕДОВА Д.Г., САЛАХУТДИНОВА М.И.** Проблемы психологии потребителя образовательных услуг
- 139 **МУХАМЕДОВА Д.Г., БОЙМИРЗАЕВА Д.Д.** Психокоррекционная работа по снижению фрустрации у студентов
- 141 **МУХАМЕДОВА Ш.М.** Психосоциальная диагностика детско юношеских спортивных команд
- 143 **МУХТОРОВ Э.М.** Врачлар касбий маҳорати тузилмасини ўрганишнинг услугий масалалари
- 146 **NAZAROVA M.M.** Yoshlarning ijtimoiy-psixologik muammolarining oldini olish va ularni bartaraf etish
- 150 **НАБИЕВА М.** Роль семьи в общественном воспитании
- 152 **НАЗАРОВ А.М. НУСРАТОВА М.Б.** Спортчиларда психологик муҳофазани ривожлантиришнинг ўзига хос усуллари
- 154 **НУРГАЛИЕВА У.С., НУРГАЛИЕВА А.М.** К вопросу о цифровом психологе в образовании
- 158 **НУРИДДИНОВА Х.** Влияние СМИ на психику учеников начальных школьников
- 160 **НУРМАТОВА М.** Никоҳ олди омилларининг психологик хусусиятлари ва уларни никоҳ мустаҳкамлигига таъсири
- 163 **ОГНЕВА И.В.** Проблема трансформации личности
- 165 **ОЛИМОВ Ш.Ш., ЖУМАЕВА М.А.** Талабаларни креатив ёндашувлар асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш хусусиятлари
- 170 **ОЛИМОВ Л.Я., МАХМУДОВА З.М.** Ўсмирларда психологик ҳимоя механизmlарининг намоён бўлишининг ўзига хослиги
- 175 **ОСТАНОВ Ш.Ш.** Использование техник арт-терапии
- 178 **ОСТОНОВ Ж.Ш.** Ўсмирларда копинг хулқ-авторнинг асосий стратегиялари
- 180 **ПЕРМИНОВА Л.А.** Психологизация развития будущего педагога в процессе профессионального образования
- 183 **ПОКЛАД И.Н.** Психолого-педагогическое сопровождение развития творческой личности
- 186 **ПОКЛАД И.Н.** Психолого-педагогическое сопровождение развития творческой личности
- 190 **РАНМОНОВА D.** Boshqa ta’limda innovatsiya klaster - fanlararo integratsiya va uzlusizlikning kafolati
- 192 **RAJABOV A.** Musiqiy tasavvur
- 196 **РАХИМОВА А.К.** Социофобия: причины, симптомы, способы лечения

- 198 **РАХИМОВА Н.К.** Сущность понятия социальной зрелости, ее компоненты и механизмы развития
- 201 **РАХИМОВА И.И., САФАРОВА Э.М.** Исследование молодежной активности в отношении изменения климата
- 203 **РУЗИЕВА Д.Н.** Изучение феномена лидера в студенческой среде
- 206 **РУЗИЕВ У.М.** Ижтимоий фобия ва уни намоён этилишининг ўзига хос хусусиятлари
- 209 **РУСТАМОВ Ш.Ш., САЙФУЛЛАЕВ А.А.** Амалиётчи психолог касбий компетентлик омилларини ўрганишнинг методологик асослари
- 211 **SAYFULLAEV A.A.** Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarinining o’zlashtirishning ko’rsatkichlarini aniqlashning pedagogik psixologik usullari
- 213 **САДЫКОВА Э.И.** Формирование уверенности у студентов
- 215 **САТВАЛДИЕВ А.А.** Женское лидерства в предпринимательстве сегодня
- 219 **СИРОЖИДДИНОВА Ф.Х.** Влияние психологии труда на производительность труда
- 222 **SYCHEVSKAYA L. E., OLEINIK L.G.** Research on the use of social networks and other online platforms to popularize the ethnocultural heritage of the cossacks
- 225 **СОБИРОВА Д.А., ҚУРБОНОВА З.Ф.** Тиббиёт ходимларида психологик компетентлик омилларининг ўрни ва аҳамияти
- 228 **СОБИРОВА Д.А.** Тиббиёт ходимлари касбий компетентлигининг амалий ва назарий асослари
- 232 **СОГИНОВ Н.А.** Бўлажак амалиётчи психологларни тайёрлашда “архетип”лардан фойдаланиш
- 236 **ТАСТАН Т.Р., ШЛИКБАЕВА Б. А., АБДИЛМАНОВА Э. Н.,** Современные психологические проблемы общественного развития
- 239 **ТИЛЛАШАЙХОВА Х.А.** Понимание психологического благополучия личности в суфизме и современной психологии
- 242 **UBAYDULLAYEVA N.F.** Baxt psixologik muammo sifatida
- 244 **ULUGOVA SH.** The adaptability of entrepreneurs into market relations
- 247 **UMAROV A.Y.** The importance of social cooperation in teacher training at higher educational institutions
- 250 **УСМАНОВА М.Н.** Особенности психических состояний студентов в процессе обучения в вузе
- 254 **ФАЙЗИЕВА М.** Коррекция тревожности в контексте безопасности личности
- 256 **ФАЙЗИЕВА У.А.** Семинар машғулотларни бажаришда замонавий педагогик технологиялар фойдаланиш
- 260 **ХАЙДАРОВ И.О.** Интеллектуальные и индивидуальные психологические особенности профессиональной ориентации подростков
- 262 **ХАКИМОВА М.Ф., ЛУТФУЛЛАЕВА Н.Х.** Психофизиологические факторы мышления
- 266 **ХАЛИМОВА М.В.** Экономические функции и мотивационный анализ предпринимательской деятельности
- 269 **ХОХЛОВА Л.П.,** Развитие операций внутренней речи как основы трансмодального интеллекта
- 273 **ХУДОЙКУЛОВА Г.Б.** Анализ результатов эмпирического исследования взаимоотношений учащихся в малых группах
- 276 **ХУСЕЙНОВА А.А.** Оказание помощи детям-сыротам – один из важнейших направлений социальной политики республики Узбекистан
- 280 **ХУСЕНОВА С.С.,** Психологические основы формирования личности посредством физического воспитания
- 284 **ХУСЕНОВ М., ШАРИПОВА Л.** Психологияда ИТ
- 285 **ЧУДАКОВА В.П.** Реализация «современных психотехнологий формирования компетентностей конкурентоспособной личности в условиях инновационной деятельности»: технология, модели и инструментарий
- 292 **SHAROPOVA M.A.** Zamonaviy psixologiyada shaxs ijtimoiylashuvining nazariy metodologik

asoslari

- 295 ШУКУРОВА Я.С., УСМАНОВА М.Н.** Формирование у дошкольников представлений о труде взрослых
- 298 ЭГАМБЕРДИЕВ Ф.Т.** Спорт фаолиятида муваффақиятга эришиш мотивацияси
- 301 ESHOV E.S., SATTOROV M.E.** Problems of psychological control of preparation of young athletes
- 304 YARMATOVA S.T.** Maktabgacha yoshdagi bolalarda xayol va ijtimoiy xayolning psixologik xususiyatlarini shakllanishi
- 307 ҚАХХОРОВ М.А.** Ўқувчи билиш фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик асослари
- 309 ҚОДИРОВ О.С.** Оилада шахслараро низолар ва уларни юзага келиш сабаблари
- 312 ХАСАНОВ Р.А.** Межличностные отношения членов сборной команды по баскетболу
- 316 АГЕЕВА И.А.** Психопрофилактическая программа как фактор формирования благоприятной эмоциональной среды психологического благополучия участников образовательного процесса
- 320 АСЛОННОВА Э.С.** Инновационные преобразования в школе
- 323 АШУРОВ Р.Р.** Влияние акцентуаций характера подростков на межличностные отношения
- 325 SAIDOV A.I.** Scientific-methodological problems of improvement of psychology in healthy life
- 328 ФАЙЗИЕВ Я.З.** психологические особенности общения в спортивных коллективах у спортсменов 18-22 лет

“XXI АСР ПСИХОЛОГИЯСИ” халқаро илмий-амалий анжуман

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“XXI АСР ПСИХОЛОГИЯСИ”  
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
АНЖУМАНИ  
МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ**

**СБОРНИК СТАТЕЙ  
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ  
КОНФЕРЕНЦИИ  
"ПСИХОЛОГИЯ XXI ВЕКА"**

**DIGEST OF ARTICLES  
INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
CONFERENCE  
"PSYCHOLOGY OF THE XXI CENTURY"**

**9 сентябрь 2021 й.  
(онлайн конференция)**

**БУХОРО - 2021 йил**